

Ўзбекистон техник тартибга солиш агентлиги фаолиятида
“Ўзбекистон-2030” стратегияси ва ўтган 2025 йилда эришилган
натижалар тўғрисида таҳлилий

МАЪЛУМОТ

Давлат раҳбарининг ташаббуси билан соҳани доимий қўллаб-қувватланишини натижасида **2025 йилда** техник жиҳатдан тартибга солиш соҳаси янги босқичга олиб чиқилди ва соҳани халқаро талабларга мослаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Давлат раҳбарининг топшириғига асосан, йил якунига қадар миллий стандартларнинг халқаро стандартлар билан уйғунлашиш даражасини **40 фоиз** етказиш белгиланган эди.

Шу мақсадда, **4 115 та** халқаро стандарт қабул қилиниб, миллий стандартларнинг халқаро стандартлар билан уйғунлашиш даражаси **43,9 фоиз** га етказилди.

Натижада, стандартлар миллий базасида республикада амалда бўлган **30 659 та** стандартдан **13 447 та** си халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилиб, халқаро талабларга мос маҳсулот ишлаб чиқаришга ва мувофиқлигини баҳолашга замин яратилди.

Йил якунига қадар халқаро стандарт жорий этилган корхоналар сонини **5 минг** тага етказиш режалаштирилган эди.

Шу мақсадда, ҳудудий ҳокимликлар билан тармоқ жадваллари тасдиқланиб, жорий йилнинг ўзида **1 689 та** корхонада **3 382 та** менежмент тизими стандартлари жорий этилди.

Республикадаги халқаро стандартлар жорий этилган корхоналар сони **5 694 та** га етказилди.

Метрология йўналишида муҳим масалалардан бир бу албатта эталонлар базасига эга бўлиш ҳисобланади. Бугунги кунда миллий эталонларимиз базаси – **13 та** га кенгайтирилиб, **42 та** га етказилди.

Натижада, саноат тармоқларида фойдаланишда бўлган **25 976 та** ўлчаш воситасининг метрологик кузатилувчанлиги таъминланиб, йилига ўртача **10 млн доллар** маблағ иқтисод қилинмоқда (хорижга олиб чиқиш олди олинади).

Ҳисоб-китобларга кўра, ўлчаш воситаларнинг метрологик кузатилувчанлиги қамровини ошириш мақсадида қўшимча **19 та** эталонни харид қилиш режалаштирилган.

Жорий йил давомида **29 та** янги синов лабораторияси ташкил этилди. Уларнинг **15 та** си хусусий сектор ҳисобига йўлга қўйилди. Шунингдек, хусусий секторда фаолият олиб бораётган **69 та** синов лабораторияси модернизация қилинди.

янги лабораториялар: ГМО миқдорини аниқлаш, қурилиш ва автоойна маҳсулотларини синаш, катта диаметрли полимер труба, иситиш радиаторлари, маиший ва саноат иситиш қозонлари, электротехника жиҳозларини Code IP даражасини, маиший совиткич ва музлаткичларни энергия самарадорлиги, велосипед маҳсулотлари,

қишлоқ хўжалиги техникаларини ағдарилиш бурчаги, ўйинчоқ маҳсулотларини синаш, иш жойларини баҳолаш лабораториялари.

Тамаки маҳсулотларини тўлиқ синаш – **Марказий Осиё давлатларида биринчи бўлиб** ташкил этилди.

модернизация: гўшт ва сўт маҳсулотларини фальсификатларини аниқлаш, мебел маҳсулотларини физик-механик кўрсаткичлари ва формальдегид миқдорини аниқлаш, кўрсаткичлари, қоғоз ва полимер қадоқ маҳсулотларини синаш, чарм-поябзал маҳсулотларини синаш бўйича лабораториялар.

Натижада, халқаро даражада тан олинадиган синов усуллари ўтган йилгига нисбатан **деярлимингтага кўпайиб, 2 200 тага** етказилишига эришилди.

Топшириққа асосан, Наманган вилояти **"Юксалиш"** кичик саноат зонаси ҳудудида **полимер, енгил саноат, электротехника, кимё ва қурилиш** маҳсулотларини синаш бўйича **лабораториялар мажмуасини** фаолияти йўлга қўйилиб, **5 та** йўналиш бўйича **10 та** синов лабораторияси ташкил этилди.

тўқимачилик, мебел, қурилиш, қурилиш оловга бардошли, кимё-полимер, лифт қисмлари, қуёш панеллар, қурилиш ойнаси, кўмир маҳсулотлари синаш, электротехника жиҳозлар Code IP ни аниқлаш лабораториялари.

экспортчи корхоналарга амалий ёрдам бериш мақсадида **Чехияда "CONFORMITY ASSESSMENT CENTER"** **нотификацияланганидораси** ташкил этилди.

Мазкур орган томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга СЕ маркировка, тиббий жиҳозларни сертификатлаш, инспекция назорати, импортёр талаблари асосида синов ва сертификатлаш, маҳсулотларнинг синови (**RoHS, IP, EPIC, Экодизайн**) каби хизматлар бўйича **амалий ёрдам берилади.**

СЕ маркировка билан шуғулланиш фақат **ЕИ резидентлари** учун руҳсат этилади.

Мазкур нотификацияланган идорасининг **афзалликлари** қуйдагилардан иборат:

СЕ ва бошқа **сертификатларни расмийлаштириш** олди маслаҳат хизматлари кўрсатилади;

техник хужжат ишлаб чиқишда кўмаклашилади;

корхоналарни **Европа Иттифоқи** бозорига киришидагиталаблар билан таништирилади;

консалтинг хизматлари тўлови ўртача **4-5 баробар арзонлашади** ва **ички бозорда** қолади;

синов ва сертификатлаштириш харажатларини **миллий валютада тўлаш имконияти** яратилади;

юзага келиши мумкин бўлган **тил тўсиқлари** бартараф этилади;

маҳсулотлардан намуналарини **юборишга** кўмаклашилади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, халқаро бозорларга чиқишлари учун **290 та** корхонада **СЕ маркировкасини** олишга талаб мавжуд.

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳузуридаги Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази **IQNet** ташкилоти **аъзоси бўлди.**

IQNET(International Certification Network) бутун дунё бўйича сертификатлаштириш органларини бирлаштирувчи **энг йирик халқаро тармоқлардан** бири. У 1990 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирда **32** та давлатда **33** та тўлақонли аъзо **сертификатлаштириш органлари** фаолият юритади.

IQNET аъзолари берган сертификатлар **бошқа аъзо давлатларда ҳам тан олинади.**

IQNET аъзолари **ISO** стандартлари бўйича сертификат берилади.

ISO9001– Сифат менежменти

ISO14001– Экология менежменти

ISO45001– Меҳнат хавфсизлиги

ISO22000– Озиқ-овқат хавфсизлиги

ISO50001– Энергия менежменти ва бошқалар

IQNETга аъзолик сертификатлаштириш органлари (**CertificationBody**) учун жуда катта халқаро имтиёзлар ва нуфуз беради. У корхоналар учун **эмас**, балки **сертификатлаштирувчи** ташкилотлар учун мўлжалланган.

IQNETнинг энг катта имтиёзи аъзо органлар берган **ISO** сертификатлари **32** та мамлакатда **автоматик равишда тан олинади.**

Аъзоликка эга орган берган ҳар бир ISO 9001/14001/45001/22000 сертификатига қўшимча равишда IQNET глобал сертификати ҳам берилади.

Туркия Ҳалол Аккредитация Идораси(**НАК**)нинг тегишли қарорига мувофиқ, **Ҳалол** сертификатлаштириш идораси **OIC/SMIIC2:2019**– “**Conformity Assessment: Requirements for Bodies Providing Halal Certification**” халқаро стандартига мувофиқ **аккредитациядан** ўтган **Ўзбекистондаги илк ташкилот** сифатида эътироф этилди.

Ҳозирги вақтда жаҳон бозорида ҳалол стандартлари ва сертификатларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Хусусан, маҳсулотларни экспорт қилиш жараёнида ҳар бир маҳсулот турига мос сертификатлар талаб қилинади, улар орасида **Ҳалол сертификати** ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Бу сертификат хорижий, айниқса **Ислом мамлакатларининг стандартлар ва метрология институти**(**SMIIC**)га аъзо давлатларга маҳсулот экспорт қилишда техник тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

*2024 йилда Глобал ҳалол озиқ-овқат бозори тахминан **2,97 триллион** долларни ташкил этган. Прогнозларга кўра, **2034 йил**гача бу бозор тахминан **6,5 триллион** доллар бўлиши кутилмоқда.*

Натижада, 24 та давлатга **озиқ-овқат** ва **қишлоқ хўжалиги** маҳсулотларининг **экспорт имконияти ортади.**

ҳар бир соҳада ислохотларни амалга оширишда асосий масала бу – **билимли, интеллектуал салоҳияти юқори, замонавий фикрлайдиган кадрлар** жамоасини шакллантириш бўлиб ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, Давлат раҳбарининг топшириғига асосан, йил якунига қадар **20 минг нафар** тадбиркорлик субъектларининг сифатга масъул ходимлари малакасини ошириш белгиланган эди.

Шундан келиб чиқиб, ҳудудларда ўқувларни **2 босқичда** (**1-босқич**– январь-апрель, **2-босқич**– июнь-декабрь) ташкил этиш **жадвали** ва ўқувларга жалб этиладиган тадбиркорлик субъектларининг соҳалар кесимидаги **тақсимоти** ишлаб чиқилди.

Натижада, ҳудудлардаги **20 379 нафар** тадбиркорлик субъектларининг **сифатга масъул ходимлари** малакасини оширилди.

Ўтказилган ўқувлар якуни бўйича тадбиркорлик субъектларининг **129 нафарига** сертификатлар тақдим этилиб, улар учун **5 фоиз**лик чегирма тизими жорий этилди.

Ўқувлар давомида ҳудудлардан **46 нафар** мутахассис **кадрлар захирасига** киритилди.

